

«Қизилқум фосфорит комплекси» МЧЖда «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви ўтказилди

// 16.10.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/qizilqum-fosforit-kompleksi-mchzhda-rahbar-va-yoshlar-uchras>



«Қизилқум фосфорит комплекси» МЧЖда «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви ўтказилди. Учрашувда жамият директори Рустам Салиев ёшлар билан очиқ мулоқот тарзида суҳбат олиб борди. Унда 50 га яқин ёшлар ва мутахассислар иштирок этди.

Учрашувда корхонада ёшлар учун яратилган имкониятлар, ёш мутахассислар ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш тизими, уларнинг меҳнати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусида сўз борди

Жамият раҳбари томонидан ёшлар муаммолари, савол ва таклифлари тингланди. Ёшлар томонидан, иш стажларини тиклаш, иш учун махсус қўлқопларни сифатлисига алмаштириш, ишчилар ётоқхонасининг ювиниш хоналари ва жиҳозларини қишки мавсумга тайёрлаш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш цехи ишчиларини иш жойини таъмирлаш масалалари кўтарилди.



Шунингдек, зарур касблар бўйича ўқувларни ташкил қилиш, шахсий автотранспорт воситалар учун автотураргоҳларни ташкил қилиш, ойлик маошларни кўтариш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш даврида ҳайдовчилар иш графигини расмийлаштириш, Фосфорит концентрати ишлаб чиқариш цехида қўл меҳнатини талаб қиладиган оғир ишларни автоматлаштириш каби таклифлар бериб ўтилди.

Жамият раҳбари томонидан 11-октябр – Халқаро қизлар куни билан жамият ёш хотин-қизларни табриклаб, корхонада хотин-қизлар масалаларига доим алоҳида эътибор қартилишини, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканлиги айтиб ўтилди.

Кўтарилган саволлар ва муаммолар ҳал этилишига қараб тегишлича ҳал этиш учун масъулларга топшириқ берилди.



"Қизилқум фосфорит комплекси" МЧЖ Матбуот хизмати